



СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ
УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

48 йил чиқибди
№ 283 (13.545).

13

ДЕКАБРЬ

1966 йил

СЕШАНБА

Баҳоси 2 тиғин.

ШУДГОРААШ ИЛГОР- ЛАРИГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Республика Министрлар Совети кузги шудгорлаш бўйича областлар ва Қорақалпоғистон АССР ўртакдаги социалистик мусобақанинг декабрь ойи иккинчи беш кунлиги якуниларини қараб чиқиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг қўйма Қизил байроғини **Сурхондарё области** (область) партия комитетининг секретари ўрток **Н. Муродов**, область ижроия комитетининг раиси ўрток **Э. Ғофиржонов**, область қишлоқ хўжалик бoshқаруви бошлиғи ўрток **Х. Саидхалимов**, совхозлар трестининг директори ўрток **Ч. Толмиев**, «Ўзсельхозтехника» область бирлашмасининг раиси ўрток **Х. Бердиев** беришга қарор қилди. Бу область кузги шудгорлаш пиланин 64,8 процент бажарган ва беш кунликда планга нисбатан 19,9 процент ерни шудгор қилган. Байроқ Бухоро областидан олиб берилди.

Улуғ Октябрнинг
50 йиллиги
шарафига

Янги ҳосил
тараддуди
Тажрибакор
деҳқонлар
ҳикоя қилади

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛАДИРИШ

1966 йил 12 декабрда Кремлда КПСС Марказий
Комитетининг Пленуми очилди.

Пленум кун тартибидида қуйидаги масалалар бор:

1. СССРнинг халқаро сиёсати ва КПССнинг

коммунистик ҳаракат жипслиги учун кураши тўғ-
рисида.

2. СССР халқ хўжалигини ривожлантириш-

нинг 1967 йилги давлат пилани тўғрисида.

3. СССРнинг 1967 йилги давлат бюджети тўғ-
рисида.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари

ўрток Л. И. Брежнев Пленум кун тартибининг би-
ринчи масаласи юзасидан доклад қилди.

Пленум ўз ишини давом эттирмоқда.

БЕШ ЙИЛЛИК ЗАФАРЛАРИ

Когон суёлтирилган газ заводининг коллективини йил-
лик пиланин муддатидан илгари бажарди, Бухоро, Қаш-
қадар ва Ўзбекистоннинг бошқа областларидан колхоз
хонадонлари баллонда «зағир олов» олди.

Йил охиригача колхоз қишлоқларига пиландан ташқи-
ри яна икки юз тонна суёлтирилган газ етказиб бери-
лади.


Зарафшон водийсидидаги ҳарорат галла экинларининг
усишга қулай келди. Ҳамма лалимкор ерларда бугдой
ва арпа униб чиқди. Ғалларол, Нурота районлари хўжа-
ликларда бошоқди экинлар шохлана бошлади.

Андижон «Электрораппарат» заводи турар жой бинола-
рининг тақсимловчи тахтачалари учун мўлжалланган
«АБ-25» автоматларининг биринчи турини ишлаб чи-
қарди. Келаси йилда бундай автоматлар икки ярим мил-
лиондан ортиқ ишлаб чиқарилади.

«Бухоро-нефтегаз» бирлашмаси автотрактор контораси-
нинг коллективини беш йиллигининг биринчи йили пилани-
ни муддатидан илгари бажарди. Қизилқумдаги бархан-
лар орасида жойлашган қонқудқларга сўмоқ йўллар-
дан қариб 70 минг тонна юк пармалаш усулларини,
бинокорлик материаллари, озиқ-оват етказиб берилди.
Машиналар йўлсизлик шароитида 20 миллион тонна-
километр ҳаминда юк ташидилар.

Мирзачўл қўриқ ерларидаги энг йирин «Малик» сов-
хозида газлаштириш ишлари тугади. Тўрт юздан ортиқ
хонадон арзон қилги билан таъминиланди. Газ магис-
траллари санат объектлари — қозонхона, сут-товар
фермаси ва теплицаларга ўтказилди.

Зағир олов трассаси тобора узонларга етиб бор-
моқда. Қўриқ ерда «Малик» совхозини йил бошидан бери
туртинчи газлаштирилган хўжалиқлар.



Суратда: қуловчи Александр Руденко (чапдан) ва Геннадий Руденко ўртоклар. Улар Октябрь революцияси номли Тошкент
Тепловоз-вагон ремонт заводи коллективининг Совет ҳоқимияти барпо қилинганлигининг 50 йиллиги шарафига олган
мажбуриятларини бажаришга муносиб ҳисса қўшишмоқда. Смена топшириқларини мунтазам равишда ортириб бажари-
шди, нуқул аъло сифатли махсулот беришляпти.

«БУХОРО» ДАН БУХОРОГА ТАБРИК

«Бухоро» теплохонида ҳозир
Япония соҳиллари яқинида ту-
рибди. Унинг илп бошланганига
аттич сақки ой бўлган бўлса
ҳам, команданинг меҳнат саҳи-
фасига қўйишга яхши ишлар
ёниб қўйилди.

Команда Арктика сафарига
чиқар экан, музликлардан ўти-
ши, нахратон совуқка бардош
бериши, бензоя эур сабот ва
ушшоқлик билан ишларни дар-
кор бўлмоқда. Ҳозиргача «Бу-
хоро» теплохони Арктиканинг
муали суваридан уч марта
ўтди. Сибирь ёғочини ортиб,
Тинисдан Японияга борилган
сўнгги сафар айнақса машақ-
қатли бўлди. Лекин команда бу
гал ҳам топшириқни «аъло» да-
ражада бажарди.

«Бухоро» теплохонининг эки-
пажи пиландан ташқари жамгар-
ма тўплаш ҳисобига тўрт йил
мобайнида кемадан куришга бўл-
ган харажатларини қоплаш вази-
фасини ўз олдига мақсад қи-
либ қўйди. Тинч океани денгиз-
чилари ўз мажбуриятларини ша-
раф билан бажармоқдалар. Ҳар
бир рейсда кемага пиландан ор-
тиқча юк ортиш қоида тусига
кириб қолди. Тинис — Япония
рейсига отлангандан олдин ҳам
шундай қилинди. Буларнинг
ҳаммаси бухороликларга юк та-
шши топширигини муддатидан
олдин тугаллаб, салкам 145
минг сўмлик фойда олиш им-
конини берди.

Қадимий ўзбек шахрининг
номи билан аталган теплохон-
нинг экипажи бухороликлар
пахта далалида меҳнат гала-
басига еришганликлари муноса-
бати билан уларга самимий са-
лом ва қутловлар йўллашни
илтимос қилди.

Н. МОИСЕЕВ,
ТАСС мухбири,
Владивосток.

КОЛХОЗ РАИСЛАРИ МИНБАРИ

Бундан икки йил муқаддам
қолон ва қамқуват қишлоқ хў-
жалик эртеллари ҳақида гал
борганда бизнинг колхозимиз
мисолга олинди. Бу ўринли
эди, албатта. Колхоз саккиз
йил пахта тайёрлаш пиланини
бажармади. Хосилдорлик па-
сайиб кетди, олинган даромад
харажати қопламади. Шундай
бўлгач, хўжалиқининг ялпи, кол-
хозчиларнинг шахсий даромади
ортомаслигини ҳақида гапириб
ўтirmаса ҳам бўлади. Қурилиш
ва ободончилик юзасидан бел-
гиланган тадбирлар рўйбега чи-
қмади.

Бундай аҳвол район ва об-
ласт партия, совет ташкилот-
ларини жиддий ташвишга сол-
ди. Хўжалиқда аҳвол атроф-
лича ўзгарилиб, муҳокама қи-
линиб, қолқонка тек қўйиш-
га қаратилган тадбирлар бел-
гиланиб, амалга оширилди. Ма-
на, икки йилдан бери колхозим-
из пахта тайёрлаш пиланини
бажаряпти. Хосилдорлик кўта-
риляпти, даромад қўпайиб, хал-
қимизнинг турмуш маданияти
юксаяпти. Қишлоқларини
шаҳарча шаклида қайта қури-
ляпти. Шу йилнинг «қизил» да-
влата 4050 тонна «оқ олтин»
сотилиб, катта муваффақиятга
эришилди.

Хўжалиқнинг қолқондан
чиқиб, илгорила қилиб ўти-
линиб, аҳвол кўпайиб, давлат
бизга жуда катта моддий-тех-
ника ёрдами кўрсатди. Қўлаб
трактор, қишлоқ хўжалик ма-
шиналари, минерал ўғит олдин.
Улардан пахта майдонларини
кенгайтириш, ҳосилдорлигини
оширишни қўлаб фойдалан-
дик.

— Трактор ғилдираги беҳу-
дага айланимасин, ерга солин-
ган ҳар килограмм ўғит ҳосил-
лини кескин оширсин, сорти ях-
шиласин, танларини арзонлаш-
тирсин! — Асосий эътиборни
шунга қаратдик.

Экин ерларимиз шўр, зах-
каш, икки нетмон қазилса си-

ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДАН

зот сув чиқади Яна бир ноқу-
лай томон, 1800 гектари пахта
майдонининг 1300 гектари тў-
қайзор. Иригация-мелиорация
шохобчаларини тартибга кел-
тирмай туриб, бу ерлардан юк-
тари ҳосил олиш амри маҳол.
Ишчи кучи, техника воситала-
ри янги зовурлар қазиб, мав-
жудларини чуқурлаштиришга
сафарбар этилди. Ҳар йили 40
минг кубометр атрофидида ту-
проқ қазиб ишларни бажарилади.
Шу йўл билан сизот сув қоч-
рилиб, ернинг унумдорлиги
оширилди.

Ери текис деҳқоннинг хир-
мони барақали бўлади, деган
гал бор Бу тўғри. Текис ерда
кўчат яхши ўсади, туپ сонни
белгиланган қилинликда бўлади.
Техника нуумли ишлайди.
Шуни назарда тутиб, ер текис-
лашга жуда катта эътибор бер-
дик. Майда қаргалар йирин-
лаштирилди, ўқир-чўқир, но-
текис жойлар текисланди.
Ариқ-зовурлардан чиққан ту-
проқ экинзорларга етказилди.
Тўнда қилиб айтганда, ер наф-
текисланди.

Гектарларнинг тўла бўлиши
учун кураш диққат маркази-
да турди. Ҳар бир гектардан
нинг пахта ери қамаласи эмас,
балки, метрлаб ўлаб чиқилди.
Гектар тўла эмаслиги аниқла-
нди. Партов ери очилди. Пайкал
ўртасидидаги дарахтар қўчири-
либ, бошқа жойга ўтказилди.
Муваффақ сугориш шохобчалари
очилиб, керакисиз ариқ-зовур-
лар қўймо ташланди. Уватлар,
марзалар йўқотилди. Шу ҳисоб-
га тўла гектарлар бўлишига
эришилди.

Шўр ювишга катта аҳамият
бердик. Ҳар йили шўрланган
750 гектар ер икки-уч марта
ювилади. Бунда пошма-пошар-
ликка йўл қўйилмади, ишнинг
сифати учун қаттиқ курашилди.
Тупроқ тузилиш ҳисобига
олиниб, қариб 500 гектар
майдонда запас сугориш ўтқа-
зилди.



Кузги шудгор — мўл ҳосил-
га ташланган хамиртуруш. Шу-
ни кўра-били туриб илгари экин
майдонларини кузги шудгорлаб
қўйишга ҳафсаласизлик билан
қарардик. Эндиликда пахта
майдонлари кузда 30-32 санти-
метр чуқурликда шудгорлани-
пти. Бу ҳосилдорлигини гектар
бошига 5 центнергача кўтаря-
пти.

Нихоят, маҳаллий ўғитга му-
носабатини ўзгартириб, Мине-
раль ўғит пулга сотиб олинди,
маҳаллий ўғит эса даярли те-
кишга тушди. Шундай бўлгач,
маҳаллий ўғитдан кенг фойда-
ланиш масаласини қўйдик.
Хандақлар қазилиб қўйиб, қўй
қийин аралашмаси тўплаш ва чи-
риш одат тусига қайрилди.

Колхозимизнинг қолқондан
чиқиб, илгори хўжалиқлар са-
фидан ўрин олишдаги асосий
агротехника омиллари шулар-
дан иборат. Шуни алоҳида таъ-
кидлаш керакки, юқорида таъ-
кид олинган тадбирларининг ҳам-
маси куз ва киш фасиларида
амалга оширилди.

Бир қатор таъкидлий тадбир-
ларини ҳам амалга оширдик.
Пахтачилар бригадалари, ком-

плекс механизациялашган зве-
дама маълумоти, ташкилот-
чи, омилкор кадрлар билан му-
тахассислар, раҳбарликка йи-
ларини даяр қўтардик. Уларга
деҳқончилик илми ва техника-
ни ўрганишда қўмақлашдик.
Механизацияга кенг йўл очдик.
Колхозимизда ер майдони
катта, ишчи кучи эса кам. Шу
сабабли пешана тери билан
етиштирилган ҳосилнинг анча
қисми териб олинмай далада
қолди кетарди. Вазиятни ҳисоб-
га олиб, теримни тўла машина-
лаштириш вазифасини қўйдик,
бу соҳада ҳозирдаёқ анчагина
муваффақиятларга эришилди. Ҳ-
ган йили «аангори кема»ларда
900 тоннача пахта терилган
бўлса, бу йил 2100 тонна пах-
та саранжом-саричталанди.

Колхозчиларнинг шахсий
мафавватдорлиги кучайтирилди.
Яхши меҳнат қилиб, кўп мах-
сулот етиштирган киши кўп ҳақ
олиб қандини урсин! Масала шу
тарзда қўйилди. Илгорила маъ-
талид, қолқонлар танқид қилин-
ди. Айрим ишқимас, дангаса,
техникхур кишилар тартибга че-
қирилди. Меҳнат илтизоми му-
тахассисланди. Энг муҳими —
одамларда қолқонлини тугатиш-
га ишонч туғдирилди. Ҳақон
меҳнат қилган киши шунга
яраша ҳақ олишига ишонгач,
дала ишлари топшириги сон ва
сифат кўрсаткичлари бўйича
тўла ва ошириб бажарила бош-
лади.

Меҳнат аҳлига етарли мада-
ний-маънвий шароит яратиб бе-
рилди. Улар емиш-ичиш, ки-
лим-кечакдан камчил бўлмади.
Ошхона, новохоналар, савдо,
медицина, маданий-оқартув
муассасалари хизмати яхши-
ланди.

Хуллас, меҳнаткашларнинг
ҳормай-толмай моддий бойлик-
лар, хусусан кўп, арзон, юқори
сорт пахта етиштиришлари
учун ҳамма шарт-шароит яра-
ти берилди. Ғалабани таъмин-
лаган таъкидлий омиллар шу-
лар, Бугун, колхозимиз тарақ-

қайт йўлга чиқиб олди, шаҳ-
дам қадамлар билан олға бора-
верди пахта, дон, сут, гўшт,
пийла, сабзавот ва бошқа мах-
сулотлар етиштириш пиланини
бажарилаверди деган оламиз.

Бошқа хўжалиқлардаги каби
бизда ҳам юқори ҳосил устала-
ри камол тоғди. Исроф Мурод-
ов, Саттор Зулфқоров, Ота-
хон Холдиров, Эргаш Бетимку-
лов, Исроил Жалолов бошлқ
бригадаларнинг аъзолари икки
йилда ҳосилдорлигини гектар
бошига 7-10 центнер кўтариб,
пиланин ошириб бажармоқдалар.
Уларнинг тажрибаси шўрхон ва
захкаш ерларда ҳам пахтадан
юқори ҳосил олиш мумкинлиги-
ни кўрсатди. Улар юбилей
йилида 35 центнерга «оқ ол-
тин» хирмонини мўлжалламоқ-
далар.

Узоғимизни яқин, оғиримиз-
ни енгил қилган меҳаннаторлар-
нимиз номини фахр билан тил-
га оламиз. Решат Иброҳимов,
Олим Зибутдинов, Пак Лиза,
Уразали Хонимкулов каби ме-
ханник-ҳайдовчиларимиз масвум
нормасини ошириб бажармоқда-
лар. Дала гвардиячилари бу
йил хўжаликка 70 минг сўм
соф фойда келтиришди.

Илгини яхши аяқлашмиш.
Хўжалиқни юксалтириш йўлида
ача иш қилинди. Лекин қила-
диган ишларимиз ундан ҳам
кўп. Беш йиллигининг иккинчи
босқичи — 1967 йилда пахта
ҳосилдорлигини кескин ошири-
шимиз керак. Шу мақсадда
пахта ерлари ўнгиланиб, шуд-
горлаб қўйилди. Шўр ювишга
тайёрларлик қўриляпти. Маҳал-
лий ўғит тўплаш жадал давом
этириляпти. Машина ва агре-
гатлар ремонтни қизитиб юбо-
рилади. Яқин кунларда агротех-
ника курслари, механизация
мактабларида ўқиниш бошлай-
миш.

А. ЭРГАШЕВ,
Сирдарё районидидаги «Қизил
Октябрь» колхозининг раиси.

ОЛИМЛАР ЮБИЛЕЙ

Республика жамоатчилиги маш-
хур совет зоолог, хизмат кў-
сатган фан ва техника арбоби,
Ўзбекистон ССР Фанлар акаде-
миясининг акадими профессор Т. З.
Зоҳидов туғилган кунининг 60 йил-
лиги ва меҳнат фаолиятининг 40
йиллигини нишонлади.

Ўзбекистон ССР Фанлар акаде-
миясининг президенти О. С. Содин-
цов юбилей мажлисини очиб сўз-
лаган нутқида юбиларнинг фанга
қўшган хиссасини айтиб берди.

Ўзбекистон ССР Фанлар акаде-
миясини зоология ва паразитология
институтининг директори Г. С.
Султонов акадими Т. З. Зоҳидов-
нинг илмий фаолияти ҳақида док-
лад қилди. Топшрент давлат уни-
верситетининг проректори П. Б.
Азизов юбиларнинг педагогик
фаолиятини гапирди.

Ўзбекистон Компартияси Мар-
казий Комитети, Республика Олий
Совети Президиуми ва Ўзбеки-
стон ССР Министрлар Советининг
юбиларга йўллаган табриномаси
униб берилди. Олимга Ўзбекистон
ССР Олий Совети Президиумининг
Фахрий Ёрлиғи топширилди.

Кеча Ўзбекистон ССРда хизмат
кўрсатган фан арбоби, Тошкент
халқ хўжалиги институтини сиёсий
илтисод кафедрасининг Мудирини
профессор Олим Мунинов ака-
донини қўташга бағишланган маъ-
лис бўлди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети
Президиумининг Секретари Р. Са-
хибоев юбиларни Ўзбекистон Ком-
партияси Марказий Комитети,
республика Олий Совети Президи-
уми ва Министрлар Совети но-
мидан самимий табрилади. Р. Са-
хибоев О. М. Аминовга Ўзбеки-
стон ССР Олий Совети Президиуми-
нинг Фахрий Ёрлиғини топширди.

Ўзбекистон ССР Министрлар
Совети Раисининг ўринбосари,
республика Госплани раиси С. К.
Зибутдинов, Ўзбекистон олий ва
ўрта махсус таълим министри
Т. А. Саримов, Тошкент об-
ласт партия комитетининг сек-
ретари Х. Р. Мухомедов, Тош-
кент шахар партия комитетининг
секретари Р. Н. Бобонова ва
бошқалар олимни кутлаб гапирди-
лар (ЭТАП).

«Деҳқон бўлсанг шудгор қил!»

Республика областларида кузги
шудгорлашнинг бориши тўғрисида
1966 йил 12 декабрга бўлган

МАЪЛУМОТ
(Планга нисбатан процент
ҳисобиди)

Биринчи стун — областлар, ик-
кинчи стун — бир нунда ҳаёдал,
ган ер, учинчи стун — масвум
бошадан буюн.

Самарқанд	1,6	99,6
Тошкент	0,8	99,2
Сирдарё	2,3	94,0
Бухоро	2,4	87,9
Қашқадарё	1,5	86,9
Хоразм	0,8	86,7
Андижон	2,1	84,9
Сурхондарё	3,7	68,5
Фарғона	1,7	62,4
ҚА АССР	0,4	20,9

РЕСПУБЛИКА
БУЙИЧА: 1,9 84,4

Ушш ВАТАНИМИЗДА

«Қазақстанда правда», «Банинский рабо-
чий», «Заря Востока» ва «Коммунист» газеталари-

нинг бугун Улуғ Октябр 50 йиллигига бағишлан-
ган бирлашган сонни босибди чиқди. Республикаи-
лар Олий Советлари Президиумларининг раислари
С. Б. Ниязов (Қозғистон ССР), М. А. Исхандар-
ов (Озарбайжон ССР), Г. С. Дзюцендзидзе (Грузия
ССР) ва Н. Ф. Арутюнян (Арманистон ССР), шу-
нингдек бошқа авторларнинг мақолаларида қар-

дош республикалар нақадар юксак поғонага қў-
таришганликлари ҳикоя қилинмади.

○ Бир-бирдан беш минг километр нарида
бўлган Жанубий Қирғизистон ва қадимий Хер-
сонес (Кора денгиз бўйи) рессомлари эрамиздан
олдин яшаган ўз қариндошларининг этник жи-
ҳатдан бир-бирига ўхшаш портретларини чизиб
қолдирганлар.

Узоқ ўтмишнинг тасвирий ижодини ўрганиш
билан кўп йиллардан бери шуғулланган архео-
лог В. Чаплинко шундай хулосага келди. Тадиқ-
юччи Херсонесдаги бир скифининг қабр тошидаги
ушга сурат ва Уш шаҳри яқинидаги тоғ орасида-
ги гор тошига чизилган сурат фотографиялари-
ни бир-бирига синчилаш таққослаш асосида шун-
дай натижа чиқарди.

○ Олмаотадаги Республика уйғур музикали
драма театри Қозғистон пойтахти жамоатчилиги-
га янги асар-озарбайжон драматурги Илс Эфен-
диевининг «Ҳамини енидасан» деган пьесасини
қўрсатди. Ҳозирги замоннинг маънавий-ахлоқий
проблемаларига бағишланган бу асарини олмаота,
ли журналнинг Саиджон Хасанов Озарбайжон ти-
лидан уйғур тилига таржима қилган.

БИЗНИНГ АХБОРОТ

ПОЙТАХТИМИЗДА

«ФАРҒОНА ТОНГ ОТГУНЧА» САҲНАДА

Муқимий номдаги музикали драма ва комедия театри коллективи Мирзакалон Исмоилийнинг «Фарғона тонг отгунча» асарини саҳналаштирмоқда.

МАДАНИЯТ УЧОҒИ

Шаҳарнинг Калинин майдонида кинотеатр биноси қод кўтармоқда. Кинотеатр 800 томошбинга мўлжалланган бўлиб, ёнида ўқиш хонаси ва кафе бор.

ИХТИРОЧИЛАР

«Урток» қондирот фабрикаси ихтирочилари «Октябрь 40 йиллиги», «Восток»,

ЕТТИ ОЛТИН МЕДАЛЬ

Тошкентда ўтказилган спорт гимнастикаси бўйича Совет Иттифоқи биринчилиги учун қатнашган спортчилардан бир

группаси Нағоя шахрида Япониянинг етти кучли гимнастикачилари билан бўлган ўзаро мусобақада қатнашиб, ўн олтин медалнинг еттисини қўлга киритдилар. Совет хотин-қизлар командаси мусобақалар бошлангичиданоқ ташаббуски ағаллаб, гимнастика ўйинларининг барча турида биринчилигини қўлга киритишди.

Эркаклар командаси бўйича аса совет ва япон гимнастикачилари тенг-учтадан олтин медал олдилар.

Совет гимнастика усталари Оттава шахрида бўлибган мусобақаларда қатнашиб мақсадида Канадага жўнаб кетишди.

А. ТОШПУЛАТОВ.

«БЕНФИКА» МОТАМ ТУТМОҚДА

Лиссабон шахридаги «Бенфика» стадионининг сува ҳавасасида 26 йилар таланти футболчи Лусана Фернандес фойдаланиб қўлга киритди. Португалиянинг бу энг кучли командасининг яна етти ўйинчиси: Эйснбо, Кадем, Грасса, Сантана, Камолас, Паис ва Сильва оғир аҳолида касалхонага келтирилди. Врачлар уларнинг ҳаётини сақлаб қолдилар, лекин улар кейинчалик футбол майдонига чиқа оладиларми, йўқми номаълум.

Фойка қандай содир бўлди? «Бенфика» командасининг ўйинчилари машқурдан сўнг одадгадидек сува ҳавасасида бордилар. Ўша кунини футболчиларини ҳодимлар эмас, балки клуб раҳбарлари АҚШнинг «Джакузи» фирмасидан сотиб олган электр машина массаж қилиши ло-

зим эди. «Джакузи» фирмасининг бундай машиналаридан жаҳоннинг энг кўзга кўринган «Реал» (Мадрид) ва «Интернационале» (Милан) командалари футболчиларини массаж қилишда аччадан бери фойдаланиб келадилар.

Фирма техникалари машина тоққа уладилар ва саккиз футболчи сува сакради. Электр сими узлиб, қувват сува ўтди. Сува турган Лусана шу заҳотиёқ ҳалок бўлди. Буни сезиб қолган электр техникаларидан хабар бори Грасса электр қувватини дарҳол узиб қўйди ва бошқа ўртоқлари қатори ҳушдан кетди.

Электр тоқнинг бузилиши сабаблари ҳали тўла аниқланмаган. Полиция бу тўғрисида қидирув ишларини олиб бормоқда. Касалхонага тушган олти футболчи уйларига

жўнатилди. Врачлар уларга уйда қийиқламай ёттишни буюрдилар. Шифохонада қолган да Сильва оғир аҳолида ётибди.

Лусананинг фойжалли ўлими «Бенфика» командаси ва Португалия терма командаси учун қатта йўқотишдир. У, универсал ўйинчи, аҳоли даражадаги ярим ҳимоячи эди. Ветеран Германиянинг ўрнида, марказий ҳимояда ўйнаш ҳаракатида юрган Лусана Португалия терма командасининг умиди бўлиб, кейинги нечи йил давомида тез-тез жаҳондаги қўлини қўйиб келган бўлибди.

«Бенфика» клубининг раҳбарлари шу муносабат билан саккиз кунлик мотам ёллон қилдилар.

Н. И. БОЛДИРЕВ

Шу йил 12 декабрда узоқ давом этган оғир касаллиқдан сўнг совет матбуотининг кенга ходимларидан бири, республика аҳамиятидаги шахсий пенсияер, 1937 йилдан бери КПСЭ аъзоси Николай Иванович Болдирев вафот этди.

Н. И. Болдирев 1904 йили Ростов-Дон шахрида туғилди. 1921 йили «Красный Аксай» заводига ишга кириб, у йил давомида тоғарга шогирдлик қилди, яъни пайда аниқ ишчи — муҳбир бўлиб тайинланди. 1924 йили Н. И. Болдирев «Трудовая» газетасида редакция сўнг, «Молод» газетасига ишга ўтди ва шу пайтдан бошлаб ўзининг бутун оғли ҳаётини жан севган журналистика ишига бағишлайди. 1937 йилдан то 1939 йилгача Н. И. Болдирев Ростов обласи партия комитетининг матбуот бўлимида муҳбирлик қилди. Сўнг ТАССга ишга ўтиб, Камчаткада махсус муҳбир бўлиб ишлайди.


Н. И. Болдирев 1942 йилдан 1946 йилгача «Камчатская правда» газетасининг махсус муҳбири бўлиб, 1947 йили яна ТАССга ўтиб унинг Хабаровск, Тошкент, Австридаги бўлимларига бошчилиги қилди. Кейинги беш йил мобайнида у «Внешторгиздатнинг» Ўрта Осиё бўлимида бош редактор бўлиб ишлайди.

Н. И. Болдирев қайси вази-фала ишласини, ҳамма ерда принципиал коммунист, сез-тир ва ҳозирлаб ўрток аниқлиги амалда қўйганди.

Н. И. Болдиревнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳақиқат сақланади.

Бир группа ўртоқлари.

ЖАҲОҲ ВОР ҲАҒТА ИЧИДА




Югославия Социалистик Федератив Республикаси. Димардан ёни Темир дарвоза — Руминия ва Югославия ўртасидаги чегара Дундаги ана шу дарвазидан ўтди. Илгари бу ерлар кемадар қатновчи учун жуда ноқулай деб ҳисобланарди. Ҳозир ҳар инкала қардош республика кучи билан бу ерда гидроэнергетика ва кема қатнов системаси вужудга келтирилмоқда. Суратда: қурилиш ишлари пайти.

(ТАСС фотохроникаси).

Сенегал. Дандар — Кора Африкадаги энг йирик портлардан бири. Суратда: Дандар докерлари портда. Катта портга ана шулар қаёт бағишлайди.

С. Кулини фотоси. (ТАСС фотохроникаси).



БЕЛЬГИЯ КОММУНИСТЛАРИНИНГ СЪЕЗДИ ЎЗ ИШИНИ ТАМОМЛАДИ

БРЮССЕЛЬ, 12 декабрь. ТАСС мухбири А. Огородников хабар беради:

Бельгия Коммунистик партиясининг навбатдаги XVII съезди кеча бу ерда ўз ишини тамомлади.

Съезд делегатлари Бельгия Коммунистик партиясининг Эрнест Бюрнел томонидан съездга тақдим этилган Бельгия Коммунистик Марказий Комитетининг ҳисобот докладини муҳокама этди ва партиянинг яқин дарвазидан ҳаракат программасини белгилловчи резолюция қабул қилди. Съезд Бельгия Коммунистик Марказий Комитети билан молия контроли комиссиясини қайтадан сайлади.

Эрнест Бюрнел съездда қисқача яқуловчи нутқ сузлаб, Марказий Комитет ҳисобот докладидан чўқур муҳокама қилинганлигининг муҳим аниқлигини таъкидлаб ўтди. У муҳокама вақтида ўртага ташланган тақлифларнинг қисқич ҳаракатини ва XVII съезд иши юксак гоявий-сиёсий савияда ўтганлигини ҳам айтди.

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК

Совет Иттифоқи ва Франция узоқ муддатли мўлжаллаб, аниқлаштириб, дўстлик ва ҳамкорлигини мустақамлаш йўлига қатъий ўтиб олдилар. Бу аниқлаштириш муваққат тартибдаги мулоҳазалар таъвоноси бўлмай, балки ҳар инкала мамлакатнинг муштарак манфаатларидан, уларнинг Европа хавфсизлигини ва халқаро хавфсизлигини мустақамлашга биргаликда иштирокчиларини, дин келиб чиқади. Совет ҳукумати бошлиқ А. Н. Косигининг Францияга қилган ва кунин кеча тамом бўлган визити тўғрисида халқаро майдонда баён қилинган кўп фикрларнинг моҳияти ана шундай.

Бу ҳулоаса ҳар инкала мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг ҳозирги аҳолига ва бу муносабатларнинг ривожланиш динамикасига реал баҳо беришга асосланади. Визитнинг яқунлари ҳақда суратда СССР билан Франция ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлигини янада ривожлантириш йўлида қўйилган янги нақда, деб таърифланмоқда. Ҳар инкала томон шу йил 8-фаслида Москвада Совет Иттифоқи раҳбарлари билан Франция президенти ўртасида музокаралар олиб боришдан пайтдан бун ҳар инкала мамлакат ўртасидаги муносабатлар тез суръатлар билан ривожланишда ва иккинчи натижаларга эришилди, деб қайд қилиш имконияти ега бўлди. Бу қувончли бир ҳолдир. Бу қувончли ҳол ҳар инкала томоннинг умидворлиги тўғрисида рўй берди. Ана шу умидворлик савдо-сотиқ, экономика, фан ва техника соҳасида узоқ муддатларга мўлжалланган ҳамкорлик планларини биргаликда қараб чиқиш ва ишлаб чиқиш юзасидан ўзаро шартлашиб олишганлигида ўз ифодасини топди.

Турли социал системаларга мансуб бўлган иккинчи буюк давлат ўз муносабатларини мустақам асосга қўриш ва ўз ҳамкорлигини аниқ-секин кенгайтириш ҳамда мустақамлашга қатъий қарор берганлиги ҳақда майдонда катта аҳамиятга эгадир, албатта. Чет аллардаги шарҳловчилар Совет-Франция баёнотининг биринчи бўлими халқаро масалаларга ва аҳоли кеншилликнинг коммуналлигини таъминлаш нуктадан назаридан Европа проблемаларига бағишланганлигига катта эътибор бермоқдалар. Баёнотда таъкидлаб ўтилганидек, бу борда дастлабки иккинчи натижалар қўлга киритилди. «Ҳар инкала томоннинг эътиқодида, булар келгидан Совет Иттифоқи билан Франция ўртасида йўлга қўйилган ва ривожланиб бораётган ҳамкорликдан ўртак олин-иб, Европадаги барча мамлакатлар ўртасида ҳам ҳамма соҳалардаги муносабатлар ривожланиб бориши керак».

Француз газеталарининг кўпчилиги визитнинг яқунларидан астойдил мамнун эканликларини билдирмоқда. Франция ком-мунистларининг органи «Юманите» газе-та-

ЖАҲОҲ ВОР ҲАҒТА ИЧИДА

Ян Смит бошчилигидаги ирқчилар бундан ўн уч ой илгари ҳоқимияти босиб олган эдилар. Англия ҳукумати аса шу вақт ичи-да Смит билан ҳадеб музокаралар олиб бо-раверди ва Жанубий Родезия масаласини ҳар инкала мамлакат учун маъруф тарзда ҳал этишга уринди.

Англия бош министри Г. Вильсон ва Ро-дезия ирқчилари декабрь ойи бошида иккинчи кун мобайнида конфиденциал музока-ралар олиб борди. Вильсон бу музокаралар давомида Родезиядаги африкалик аҳоли-нинг саяловларда иштирокчини бирмунча кенгайтиришни, яна шу Смит бошчилигида ўткинчи ҳукумат тузилиши ва бу ҳукумат-нинг гарчи расмий жиҳатдан бўлса ҳам Англия генерал-губернаторига бўйсунганини таъкид этди. Шундай қилиб, ҳоқимият ю-маълум вақтгача 220 минг кишидан иборат европалар кўчмачилар қўлида қол-ган бўлур эди. Родезияда яшовчи турт мил-лион африкаликлар аса ҳуқуқсиз аҳоли-да қола беради эди. Аммо Смит ҳукумати Вильсоннинг айтишича хатто ана шу энг «аховатли» бўлган шартларни ҳам рад этди.

Шундан кейин Англия Ҳавфсизлик Кен-гашига мурожаат қилиб, Бирлашган Милла-тлар Ташкилотига аъзо бўлган мамлакат-ларнинг Родезияга қарши «мажбурий тар-тибда» бир қанча иқтисодий чоралар қў-йишга тўғрисидаги масалани қараб чи-қишни сўради. Англия Родезияга нисбатан шу вақтгача ўтказиб келган «иқтиёрий чор-алар» ҳеч қандай натижа бермаганлиги маълум. Англияда чиқадиغان «Файнэпир чоралар» Смитнинг иқтисодий жиҳатдан қи-ян аҳолига қолдирилган, «биз булар Роде-зиядаги сиёсий ишларнинг ҳазартириши тўғрисида гапириб қол турмаймиз». Асо-сий капиталистик давлатлардаги савдогар-лар ва саноатчилар «иқтиёрий чоралар»ни назар-пайиш қилмайдилар. Жанубий Роде-зиянинг сиёсий ботиш ботиши «иқтиёрий чор-алар»нинг қўлсизлиги билан аниқланган. Англия компанияларнинг ўзи бўлди. Америка, Фарбий Германия фирмалари ва бошқа чет-ел фирмалари бутун тамани ҳосилини со-тиб олишди.

Тақсиф этилган «мажбурий чоралар»га келганда шунинг айтиш керакки, бу чоралар, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкило-тига аъзо бўлган барча мамлакатларнинг Родезия таманини, қандишларни, хром ва асбестини сотиб олишдан воз кечишларини кўзда тутди. Родезия ташқи савдодан оли-

надиган барча валюта тушумларининг уч-дан икки қисмидан кўпрогини ана шу мах-сулотларнинг сотиш эвазига ҳосил қилади. Шу нарсга қараб, Англиянинг резо-люция лойиҳасида нефть ва нефть махсу-лотларини Родезияга етказиб бериш тўхта-тилмаси тўғрисида ҳеч гап айтилмади. Нефть етказиб беришни таъқиқлаш тўғрисида, Англиянинг иқтисодий чоралар пайиш қабул қи-лиш «нақтис бехуда сарфлашдан иборат бўлур эди». «Файнэпир таймс» газетаси-нинг ҳисоб-китоблари қараганда, тақсиф этилган иқтисодий чоралар Бирлашган Мил-латлар Ташкилотига қабул қилингандан 6-8 ой ўтгандан кейингина Родезиянинг аҳо-ли масаласи бирор тарзда таъсир қўришти-риш мумкин. Бутун гап шундани, Смит ҳу-кумати Жанубий Африка Республикасининг иқтисодий ва сиёсий мададида таъминлади. Ян Смит каби ўта кетган ирқчилар Жану-бий Африка Республикасини бошқариб ту-ридилар. Жанубий Африка Республикаси-нинг ҳукумати Бирлашган Миллатлар Таш-килотининг Родезияга қарши қўриданган чо-раларини қўллаб-қувватлаётганлигини намо-йиш қилмоқда. Англиядаги ҳуку-рон доиралар аса, Жанубий Африка Рес-публикасини қарши бирор чора қўриш тў-ғрисидаги гапларини эшитишни ҳам истама-йдилар. Шунинг учун ҳам Ян Смит «мажбу-рий чоралар»нинг қўллашлиши менг асо-чўқимайди, деб айтмоқда.

Англиянинг вақили — Браун 8 декабрда Ҳавфсизлик Кенгашига Родезия режимини агардир ташлаш учун куч ишлатишга та-момила қарор эълон қилди. Англиядаги ҳуку-рон доиралар аса, Жанубий Африка Рес-публикасини қарши бирор чора қўриш тў-ғрисидаги гапларини эшитишни ҳам истама-йдилар. Шунинг учун ҳам Ян Смит «мажбу-рий чоралар»нинг қўллашлиши менг асо-чўқимайди, деб айтмоқда.

Англиянинг вақили — Браун 8 декабрда Ҳавфсизлик Кенгашига Родезия режимини агардир ташлаш учун куч ишлатишга та-момила қарор эълон қилди. Англиядаги ҳуку-рон доиралар аса, Жанубий Африка Рес-публикасини қарши бирор чора қўриш тў-ғрисидаги гапларини эшитишни ҳам истама-йдилар. Шунинг учун ҳам Ян Смит «мажбу-рий чоралар»нинг қўллашлиши менг асо-чўқимайди, деб айтмоқда.

ЯПОНИЯ «ҲАЛОЛ ҲУКУМАТ ТУЗАМИЗ» ДЕБ ВАЪДА БЕРМОҚДА

Ҳуқуқрон либерал-демократик партиянинг раҳбари Ёйсаку Сато шу ҳафта ичида Япо-

РАДИО БУГҲН

ВИРНИЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Концерт. 9.30 — Чолгу куйлари. 9.45 — «Ажойиб яқу-лар» (том). 10.10 — Югославия куйлари ва кўнчалари. 10.30 — Концерт. 11.10 — Атенстик тема-да (рус.). 11.25 — Н. Ҳамроев. 12.15 — Спорт. 12.30 — Концерт. 13.30 — Эстрада куйла-ри. 16.15 — Композитор ва дири-жёр М. Насинов. 18.10 — Лекин ҳақида ҳинолар. 18.30 — Валет куйлари. 19.20 — Қорақалпоқ куйлари. 20.00 — «Резервалар иш-га солиниши» (рус.). 20.10 — Му-зикали соат (рус.). 20.45 — Ате-нистар ҳиноа қилади. 21.20 — Кон-церт (қиллоқ ҳўналлик ҳодимла-ри учун). 22.00 — Дунё ноғеал-ри. 22.10 — Концерт (саноат ҳо-димлари талабига мувофиқ). 22.40 — Абдулла Қадҳор. «Этимида ҳиқолати» (рус.). 23.20 — Лирик нонсең

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГҲН

ВИРНИЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — Телеви-зион янгиликлар. 18.20 — Яширин фронот (телефильмнинг 2-серияси). 18.50 — Звездочка тележурнали. 19.25 — Илимий-оммабоф фильм. 19.35 — Фалати синф (бадий фильм). 21.05 — Эртаги кун програм-маси.

Ўзбек тилида: 21.10 — Улар Москиан ҳимон қилганлар (макс-таб ўқувчилари учун). 21.40 — Телевизион янгиликлар. 21.55 — Ҳуқуқрон коммунистлар. 22.55 — Композитор Матвеев Юсупов.

НИКНИЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.00 — Уни қар-дадир қўриганам (кинофильм). 17.15 — Жанговар йиллар кўши-ги (мантаб ўқувчилари учун).

Ўзбек тилида: 18.00 — Хоней ҳақида. 18.20 — Осмон мақилари (хуқуқатли фильм). 18.40 — Тур-кини хотиралар. 19.00 — Россия юлдашлари (хуқуқатли фильм). 19.50 дан — Москва нўрсатади.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРАДА — 13/ХII да Мас-харабозлар ва концерт бўлими.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 13/ХII да Гамлет, 14/ХII да Оқ қабулар.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРАДА — 14/ХII да Қалам ҳоқимлик.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Ўзбек цирки, йирткич ҳайвонлар иш ўргатувчи Иван Рубан ва қи-зиқчилар группаси.

АЖОЙИБОТЛАР... ҚИЗИҚ ҲАНОМАЛАР...

ГЛАВНАЧПУПСНИНГ ОРЗУСИ

Энг ашаддий бюрократ бир соатда қанча расмий қозғога қўл қўйиши мумкин? Назарий миқдорда, у юз, ошиб кетса бир юз эллиқ қозғога қўл қўйиши мумкин. Сўнг унинг қўли чар-чаб қолади ва «виза қўйиш тегизли» албатта сўзасди. «Ав-тосай» деган эсбоб эса соа-тига 350 нисба чекди. У ҳар қандай машина каби куну-тун чарчамасдан «иш қилиш» ҳам мумкин.

Ҳар қандай имзони жуда ҳам аниқ тасвирлай оладиган бу ускуна «Бошқарув ишнинг самарадорлиги» деган вистав-када қиринда Лондонда намо-

йиш қилинди. «Автосайн» фа-қат кишининг ҳусниҳатининга қўйиб қўймасдан, визани ҳам сизнинг аъторучангиз бил-лан қўяди.

ҚАЙСАР ФИЛ

Варшава яқинидаги темир йўл бенидада темир йўлчилар галати бир воқеанинг гувоҳи бўлидилар. Соатига 60 километр тезлик билан учиб келётган поездедан йўл чеккасида баҳа-бат фил сакраб тушди. Маъ-лум бўлишича, у кўнча цирки-ни қарашли фил экин. Қури-ниги турибдики, Африка гига-нтига очил платформадан саёҳат қилиш ёнидади. Ерга тушган-дан кейин фил терисига ёниш-

ган чангни силкиб артиб, яқинидада жойлашган қишлоқ томонга юра бошлади. У ерда эса оддийлар таласида тушиб қолди. Шу пайт Сухачев станциясида цирк ҳодимлари ўпасини қўлга ушлаб ўтири-шарди. Улар қайсар филни из-лаб йўлга қидирдилар. Шош-масдан келаятган филни қўри-ганларидан уларнинг шодлиги ичига симишди. Фил шу заҳо-тиёқ платформаларга олиб чиқи-ди ва «саёҳат»нинг давом этти-ра бошлади.

ИККИ ПРОГРАММА, БИР КАНАЛ

Бир канал орқали берила-диган икки хил телевизион программаларини эшиттирадиган дуовидение системасини ишлаб чиқиш тугалланди.

Янги системанинг асосий то-мошбичалари ўзига ҳок ўқув программаларини берадиган станциялар бўлиши нуктамоқда. Янги икитирони, балки са-лоат телевидениеси ҳам қўлла-ниши мумкин.

Қўшима программа фақат махсус приставка билан жи-ҳозланган телевизорлар орна-ли қўриқлиши мумкин. Ҳар инкала программа ҳам бир хил частотадаги диапазонда бери-лади.

Дуовидение бир неча илчил телевизион кадрларнинг инсон кўзи олдига ёритилишини ин-

тенснелашга асослангандир. Қўшима сигнал асоси ҳар минн кадрда — ёзув нүкталар бир нақда қора нукта бўлиб қўрилади, иккинчи кадрда оқ бўлиб қўрилади — тақорла-ниб туради. Шунинг учун ҳам кўзи асосий программани яқши кўради, қўшима сигнал эса анча хила бўлиб қўрилади.

Приставка нархи 150 дол-лар, унинг ҳажми эса 30х20х8 сантиметрлар.

Нью-Йорк. «Электроника».

ГАПИРАДГАН ТУХУМЛАР

Тухум гапириши мумкин. Кеңбурди университетининг ян-гил ходим Маргарет Вис бе-даларнинг тухуми улардан жи-ҳазлар қийнуққа қадар 48

соат қолганда бир-бирига сиг-наллар иборати деб ахборот бери. Унинг фирмида, нўжа очиб бир вақтингиз ўзида, ҳа-то туҳумлар ҳар хил вақтда туғилган бўлса ҳам, бир пай-тда содир бўлиши учун шундай қилинариши.

Маргарет Вис бу проблема устида уч йилдан бери ишла-япти. «Биз», дейди Вис, — ма-салан, беданларнинг нўжалари бир пайтда очилишини эмбри-онларнинг активлигидан бўлса керак деб ҳисобладим. Улар янги пайда бўлган жониворлар ўзларининг туҳумдан қийиши-ни ташлаштирадиган ёни ани-қинча сўзайтирадиган босиқ товуш чиқардилар. Ҳатто энг яқини ривожланган эмбри-оннинг туҳуми очиб қийиши ҳам сўзайтирилиши мумкин. Жўжа

очишдан олдин охириги икки кун давомида туҳумсиз равиш-да товуш чиқиб туради. Биз сунъий сигналлар берадиган ускуна ёрдамида айрим бошқа эмбрионлардан келаятган то-вушларни ҳам нўжайтириши-миз мумкин».

Олима ва унинг ҳодимлари нўжаларнинг очилишини тез-лаштириб, туҳумларни «қалдас-ганлар. Бирок, бу жараянни тўхтатиб туриш учун қилин-ган ҳаракатлар анча қийингир. Маргарет Виснинг сузларига қараганда сигналлар эмбрионларнинг на-фас олиш органларига пайдо бўлар эмиш.

Редатор М. ҚОРИЕВ.